Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 57 (9553). • 1989 йил 23 март • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ

Эркин ЮСУПОВ

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида Узбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Эркин Юсупов ҳам бор эди. Мамлакатимиз ҳокимияти олий органига унинг номзодини «Билим» жамияти Тошкент область ташкилоти тавсия этди.

«Бутуниттифоқ «Билим» жамияти пленумида СССР халқ депутатлигига номзоди кўрсатилган фанимиз захматкашлари ҳақида алоҳида сўз борди. Энг муносиблар мамлакат ҳокимияти олий органига сайландилар. Улар орасида республикамиз илм-фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётган интернационалчи олим Эркин Юсуповнинг ҳам борлиги барчани мамнун этди. Биринчи бўлиб уни ҳамкасблари ва шогирдлари қутлашди. Олим раҳбарлигида 60 дан ортиқ фан кандидати, 5 нафар фан доктори тайёрланган. Узи талайгина илмий асар, дарсликлар ва рисолаларнинг муаллифидир. Олим яратган асарларнинг каттагина қисми СССР халқларининг 26 тилига таржима қилинган.

Эркин Юсупов халқимиз ўртасида илм-фанни кенг тарғиб этишда раҳнамолик қилмоқда. У «Билим» жамияти ташкилотчиларидан бири сифатида катта ҳурмат қозонган. Ун беш йил давомида «Билим» жамияти Тошкент область ташкилотига раҳбарлик қилди. Таниқли олим ҳозирги кунда республика Олий Совети миллатлараро муносабатлар бўйича доимий комиссия раиси, Совет маданият фонди республика бўлимининг раиси сифатида яна ҳам фаол иш олиб бормоқда. Билдирилган юксак ишонч олимнинг эл назарига тушганлигининг ёркин ифодасидир.

Аҳмаджон Ғуломович МУХТОРОВ

УЛКАМИЗ қалам аҳлининг кўнгли тоғдек кўтарилди. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редактори Аҳмаджон Ғуломович Мухторов СССР халқ депутати этиб сайланганлигини эшитдик.

Шу кунларда Узбекистон ССР Агросаноат давлат комитеси мутахассисларидан иборат махсус группа таркибида Москвада хизмат командировкасида бўлган ҳамкасб дўстимиз Шуҳрат Жабборов ҳам Журналистлар союзи пленумида қатнашди. Унинг гувоҳлик беришича, икки кун давом этган ана шу анжуманда эҳтиролар, тортишувлар, баҳс-мунозаралар росаям авжига минган. Ҳар бир номзод (улар 15 киши эди) элак-элак қилиниб, ўрганиб чиқилган. Унинг ғуждонлик позицияси ҳам, қайта қуришга қўшаётган ҳиссаси ҳам, борди-ю депутат этиб сайлангудек бўлса, ҳамкасбларига, халқига келтирадиган нафи ҳам-ҳаммаси адолат тарозисига солиниб, ўлчаб чиқилган. Ана шундай рақобатда республикамиз журналистларининг карвонбошиси ва умиди А. Ғ. Мухторов ҳам кўпчиликка маъқул келгани, аксарият овоз тўплаб депутатликка лозим кўрилгани биз — қаламкашларни айниқса қувонтирди.

Узбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Москвадаги мухбири Р. Султонов пленум тугаши билан уюштирган мусоҳабада Аҳмаджон Ғуломович журналистларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун куч-ғайратини аямай курашажагини таъкидлади.

Аҳмаджон Ғуломович Мухторовни олий шараф соҳиби — СССР халқ депутати бўлганлиги билан чин дилдан қутлаймиз, унга ҳаётда, ижодда, жамоат ва давлат ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.



Одил ЕҚУБОВ

КУНИ КЕЧА Узбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Узбекистон ССР ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Одил Ёқубов СССР халқ депутати этиб сайланди. Узининг қатор ҳикоялари, қиссалари, тарихий ва замонавий мавзуларда яратган романлари билан кенг китобхонлар орасида шуҳрат қозонган ёзувчи зиммасига яна бир шарафли вазифа юкланди.

Одил Ёқубовнинг депутатлик программаси илгаридан тўпланиб қолган ва бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган барча муаммоларни қамраб олган. Жумладан, экология, она тилимиз, тарихимиз масалалари алоҳида қисмларга бўлинган бўлиб, уларда салмоқли ва жиддий фикр-мулоҳазалар баён этилади. Шунинг учун ҳам Одил ака ҳар сафар сайловчилар билан учрашиш олдидан ўз-ўзига «Сен нима учун депутат бўляпсан?» деган савол билан мурожаат қиларкан, майда-чуйда масалалар билан ўралашиб қолганлар халқ учун астойдил хизмат қилолмаслигига амин бўларди.

— Ҳозир депутат бўлиш осон эмас, — дейди ёзувчи. — Буни мен ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис қилиб турибман. Бугунги депутат ўткир сиёсатдон, узоқни кўра билувчи зукко, воқеалар гирдобидан ўзини олиб қочмайдиган, гражданлик позициясини қатъий ҳимоя қиладиган дадил, жасоратли, ниҳоят сўзи ва иши бирлигига эришадиган тадбиркор бўлмоғи керак.

• СССР халқ депутатлигига номзодлар

МАҚСАДИМИЗ ҲАМ, РЕЖАМИЗ ҲАМ БИР

ШАВКАТ Нуриддинов билан илгари ҳам кўп учрашганман. Қизиғи шундаки, у ҳар галги учрашувимизда ўз бригадаси даласида ўтказаётган янги-янги тажрибалари ҳақида гапириб беради. Муҳими бу тажрибалар эмас, балки улар келтираётган самара, албатта. Самараси эса жуда юқори. Келинг, совхоз иқтисодчилари берган қуйидаги маълумотга назар ташлайлик.

1988 йилда бригада давлатга пландаги 711 тонна ўрнига 860 тонна сабзавот, 120 тонна ўрнига 147 тонна картошка етказиб берди. Бригадада ҳар гектар ердан 8500 сўм даромад олинди.

Йил охирида коллектив аъзолари пландан ортиқча сотилган маҳсулот ва сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб топилган ҳар бир сўм ҳақларига қўшимча 2 сўм 37 тийиндан устама мукофот олишди. Умуман совхоз бўйича ўтган йили ҳаммаси бўлиб ишчиларга 100 минг сўм қўшимча ҳақ тарқатилган бўлса, шундан 60 фоизи, яъни 60 минг сўми айнан шу бригада деҳқонларининг чўнтагига тушди. Очиғи, сабзавотчиликка ихтисослашган барча бригада ҳам бундай натижаларга эришавермайди.

Аслида бу ғиж-ғиж рақам ва фактларни қаторасига санаб ўтиришга ҳожат йўқ эди, чоғи. Лекин Калинин районидаги «Қорасув» совхози коллективи айнан мана шу муваффақиятлари учун ҳам СССР халқ депутатлигига Ш. Нуриддинов номзодини кўрсатди. У 604-Янгийўл территориал сайлов округидан рўйхатга олинди.

— Ҳозиргача районларда жуда кўп сайловчилар билан учрашдим,— дейди номзод.— Улар орасида оддий ишчи ҳам, деҳқон ҳам олиму зиёлилар ҳам бор. Энг муҳими деҳқон, коммунист сифатида ўзимни кўпдан буён ўйлантириб келаётган фикрлар, мулоҳазалар, муаммолар уларнинг ҳам дилидаги гаплар эканлиги мени қувонтирмоқда.

— Сиз сайловчиларга ҳавола этаётган программангизни матбуот орқали қандай баён этардингиз?

— Бу жуда содда: биринчи галда ҳар ким ўз имконияти даражасида, яъни амалда қила оладиган ишлари юзасидан халққа ваъда бериши керак, деган мулоҳазага бордим. Коммунист сифатида партия ва ҳукуматимиз илгари сурган қайта қуриш режаларини амалга оширишни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, ҳозир ҳамма нарса ана шу программани қай даражада ҳал этишимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Масалан, Озиқ-овқат программасини олайлик. Уни бажармасдан туриб олға силжиб бўлмаслигини ҳамма тан олляпти. Бўш қоп тик турмайди-да, ахир. Хўш, уни қандай тезлаштириш мумкин? Деҳқон, бригада бошлиғи бўлганлигим, айнан озиқ-овқат маҳсулотларини етиштираётганимиз учун бу соҳадаги кўпгина муаммолардан хабардорман. Аввало совхозимизда, областимизда, қолаверса, республикамизда деҳқон етиштираётган маҳсулот ўз истеъмолчисига тўлиқ етиб бормаяпти. Яқинда республика матбуотида озиқ-овқат маҳсулотларининг 30 процентгача бўлган қисми ташиш, қайта ишлаш жараёнида нобуд бўлаётганлиги қайд этилди. Қаёққа кетяпмиз ўзи. Тағин озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ерларни кенгайтириш керак, деб ваъзхонлик қиламиз. Йўқ, биринчи галда бор маҳсулотни истеъмолчига етказишни ўрганишимиз керак. Бунинг учун биринчи навбатда ҳар бир хўжаликда, имкони бўлса бригадаларда ҳам маҳсулотни сақлайдиган омборхоналар қуриш керак. Ҳар бир хўжаликда зудлик билан қайта ишлаш цехлари барпо этиш лозим. Ҳозир биз шунчалик ношуд бўлиб қолганмизки, сара маҳсулотни ҳам сув текинга топширяпмиз. Дейлик, помидорнинг бир килограмми ёзда 13 тийин туради. Агар уни қайта ишлаб, қишда сотсак бир сўмдан даромад келтиради-ку. Демак, хўжалик юритишни тубдан қайта қуриш талабгориман.

Озиқ-овқат масаласини ҳал этишда шахсий хонадонлардаги имкониятни бой бераётганлигимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Кўпгина қишлоқларда бўлдим. Хонадонларда чорва кўринмайди, томорқаси бекор ётибди. Нега бундай, десам, озуқа йўқ, қаердан ҳам мол боқамиз, дейишяпти. Дарвоқе, шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун жиддийроқ шуғулланадиган пайт келди. Мен ўз программамда бу масалага алоҳида тўхталганлигим шундан.

Ҳамон колхоз-совхозлар нуфузини ошириш устида гап борар экан, ўз-ўзидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини ўйлаб кўриш керак. Сурункасига йигирма йилларидан буён биз маҳсулотларни бир хил, ўзгармас нархда сотяпмиз. Биласизми, мана шу даврда ўғит, гербицид, техника ва бошқа қишлоқ хўжалик ускуналарининг нархи, янглишмасам, тўрт баравар ошди. Ахир биз олинган фойданинг асосий қисмини мана шуларга сарфлаяпмиз. Агар иш шу зайлда давом этадиган бўлса колхоз-совхоз, пировардида деҳқон қандай қилиб қаддини ростлайди. Мен бу ўринда кўпроқ пахтани назарда тутяпман. Матбуотда ёзилишича, бир гектар ердан 30 центнер ҳосил олинса, давлатга ўртача 34 минг сўм даромад келтириб, пахтакор хўжалик эса шундан бор-йўғи 2000—2100 сўмини олар экан. Бу билан узоққа бориб бўлинмаслиги маълум-ку! Шунинг учун пахтакор районларда бўлаётган учрашувларда ана шу масалага бот-бот тўхталинмоқда. Ҳақиқатан ҳам буни ўйлайдиган пайт келди.

Қишлоқда социал масала тобора ўткирлашиб бораяпти. Эсимни танибманки, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳақида гап боради. Лекин фарқ тобора катталашиб боряпти. Шаҳар аҳолиси учун барча имкониятлар яратилаётган бир пайтда қишлоқларда оддий ичимлик сувнинг етишмаслигини, хонадонларнинг табиий газ, бошқа заҳар нарсалар билан таъминланмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш савияси ҳамон паст.

Завод-фабрикаларни шаҳардан четга чиқариш баҳонасида об-ҳаво ҳам бузилиб кетяпти. Мен қишлоғимиз ерларига, сувларига ачинаман. Саноат корхоналаридан чиқаётган заарли газ, ариқлардаги сувни булғатаётган ҳар хил чиқиндилар табиатга, халққа катта зиён етказмоқда. Бу муаммо областимизнинг истаган район ва хўжалигида мавжудлигини кўрдим. Демак, бу масалада ҳам конкрет чора-тадбирлар кўрилиши шарт.

Сайловчилар билан бўлаётган учрашувлар қишлоқ ва районларимизда яна бир қатор муаммолар ўз ечимини кутаётганлигини кўрсатди. Агар депутатликка сайлангудек бўлсам, бу ва бошқа масалаларни ҳал этишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

Суратда: (ўнгда) Ш. Нуриддинов.

ХАЛҚ ВАКИЛИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ М. М. МИРҚОСИМОВ БИЛАН СУҲБАТ

САВОЛ. Мираҳмат Мирҳожиевич, область меҳнаткашлари Сизни 604-сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Бизга маълумки, Сиз сайловчилар билан бир неча марта учрашдингиз. Сизнинг уларга баён этаётган программангиз қандай?

ЖАВОБ: Аввало шуни таъкидламоқчиманки, менга кўрсатилган ишонч билан, СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигим билан фахрланаман. Ҳар бир совет кишиси қатори бу ишончнинг нақадар масъулиятли, кўп куч-ғайрат талаб қилишини чуқур англайман.

Ҳозир мамлакатимизда юз бераётган воқеалар фақат ўз халқимиз эмас, балки бутун инсоният манфаатларига даҳлдордир. Қайта қуриш ва ошкоралик одамлар, халқлар, мамлакатлар тақдири билан уйғунлашиб кетди. Ҳозирги сайловолди кампанияси омма ташаббускорлигининг уйғонганлигидан, Советлар ҳокимиятининг қайта тикланаётганлигидан, ҳаётимиз янгиланаётганлигидан далолатдир. КПСС Марказий Комитетининг барча коммунистларга, мамлакат меҳнаткашларига Мурожаатида партиянинг сайловолди программаси аниқ ва равшан баён этилган. Бу — коммунист ва раҳбар сифатида менинг ҳам программамдир.

Эндиликда партия аппарати структураси ўзгарди ва анча қисқарди. Янги, кучғайратли, изланувчан кишилар келди. Уларнинг ҳар бири қайта қуришда, одамлар билан ишлашда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётир. Бу борада бошланғич партия ташкилотларига, сайлаб қўйиладиган активларга таянмасликнинг, партия раҳбарлиги услуб ва методларини янгиламасликнинг иложи йўқ. XXIII область партия конференциясида бу ҳақда батафсил сўз юритилди. Конференциядан сўнг ўтган дастлабки ойлардаги иш якуни шуни кўрсатмоқдаки, биз тўғри йўлдан бормоқдамиз.

Сайловолди учрашувлари давом этаётган бугунги кунларда халқ номзодлари ўз программаларини партия йўли билан, қайта қуриш йўли билан солиштирмоқдалар. Мен ўз регионимиз, ўз областимиздаги вазиятни фиккран қамраб олиб, бир қанча асосий вазифаларни, ўткир муаммоларни кўриб турибман. Уларни ҳал этмай туриб, областимиз меҳнаткашлари олдида турган ҳозирги ва истиқбол вазифалари комплексини амалга ошириб бўлмайди. Жумладан, аҳолини озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлаш, уй-жой қуриш ва маданий-маиший хизмат соҳаларини кенгайтириш, экология, қайта қуришга ҳамда Советлар ҳокимиятини тўла тиклашга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши кураш, совет кишиларига хўжайинлик ҳиссини, унинг адолатга бўлган ишончини қайтариш энг муҳим вазифаларимиз.

САВОЛ: Шу вазифаларни бажаришга қандай ёндашиш лозимлиги, бу борадаги асосий йўналишлар нималардан иборат эканлиги ҳақида гапириб бера олмайсизми?

ЖАВОБ: Биринчи навбатда областни озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлаш ҳақида қайғурмоқ лозим. Илғор технологияни жорий этиш, хўжалик ҳисоби, пудрат ва ижара каби энг илғор хўжалик юритиш формаларини ишга солиш ҳисобига шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси дастурхонини тўкин-сочин қилиш муҳим вазифадир. «1989—1991 йилларда Тошкент области ва Тошкент шаҳрини озиқ-овқатлар билан таъминлашни яхшилашга қаратилган биринчи галдаги тадбирлар комплекс программаси» ўроқ ва болға иттифоқини мустаҳкамлашни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда, қишлоқларни социал қайта қуришда, хом ашёни қайта ишлаш учун иш ўринларини ташкил этиш, касаначилик ва якка тартибдаги меҳнатни йўлга қўйишда, тайёр маҳсулот ва озиқ-овқатнинг қишлоқдан шаҳарга юборилиб турилишини таъминлашда Тошкентнинг саноат потенциали ва илмий-техник имкониятларидан актив фойдаланишни кўзда тутади.

Шаҳар қишлоқдан қарзини узмоғи лозим. Фақат куч ва имкониятларни бирлаштириш билангина қишлоқдаги ҳаёт ва турмуш даражасини кўтариш мумкин. Бунинг учун қишлоқларда деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган майда корхоналар қурилиши, йирик, айниқса, енгил, маҳаллий ва озиқ-овқат саноати корхоналари филиалларини очиш керак бўлади. Бундай корхоналар объектив сабабларга кўра уйдан чиқолмайдиганлар ва пенсионерларнинг доимий иш билан таъминланиши учун имконият яратади. Шу йўсинда ҳозир ҳаракатга келмай турган барча меҳнат ресурслари ишга солинади. Бу борада вазифа шундай тахлитда қўйилмоқда: аҳоли жон бошига гўшт, сут, тухум, сабзавот ва мева тақсимоти бўйича иккиуч йил ичида иттифоқдаги ўртача даражага етиш, бунга фақат маҳаллий куч ва имкониятлар ҳисобига эришиш зарур. Чунки, бу соҳада биз ҳозирча жуда орқадамиз. Бу масалаларни ҳал этишда аввало коммунистлар, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ташкилотчилик ролини ўйнаши лозим. КПСС Марказий Комитетининг мен иштирок этган яқиндаги Пленумида бу ҳақда батафсил сўз юритилди.

(Давоми иккинчи бетда).

• Телефонда Москва:

ДОИМИЙ МУЛОҚОТДА БЎЛАМИЗ

602-БЎКА ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ДАВЛАТ-ҲУҚУҚ БЎЛИМИ МУДИРИ АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПАВЛОВ ЎЗ САЙЛОВЧИЛАРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Шу йилнинг 4 март куни «Алмаликский рабочий» газетаси редакцияси шаҳар партия комитети илтимосига биноан газетхонларга мурожаат қилиб, редакция ва СССР халқ депутатлигига номзод ўртасида бўладиган телефон орқали мулоқот мобайнида улар беришни истаган саволларини маълум қилишни сўраганди.

Тушган саволлар 17 март оқшомидаги интервьюга асос қилиб олинди.

— Александр Сергеевич, сайловчилар Сиз ҳақингизда фақат расмий маълумотларингизгина билишади, ваҳоланки, улар Сизни инсон сифатида ҳам билмоқни истайдилар. Ота-онангиз, рафиқангиз, болаларингиз ким? Улар қаерда ишлашади?

— Мен туб москваликман. Бувам ва отам асли темирйўлчилар. Отам инқилобдан сўнг Москва темирйўл институтини тугатиб, то пенсияга чиқкунча инженер-техник лавозимида ишлаган. Онам ҳам темирйўлчи эди. Гражданлар уруши йилларида оқ гвардиячиларга қарши жангларда ҳалок бўлган қизил учувчи тоғам шарафига, мени унинг номи билан аташган.

Курсдошимга уйланганман. Екатерина Владимировна доцент, Москва Давлат университетида ўқитувчи. Айтгандай, унинг отаси Тошкентда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашганлардан, Кушкада интернационал бригада комиссари бўлган, кейин узоқ вақт Қиргизистонда хизмат қилган. Ҳозирги вақтда у. соғомон, пенсионер, Москвада яшайди.

Қизим — Лена — совет ҳуқуқшунослиги институтида илмий ходим. Куёвим — Юрий Алексеевич — ҳарбийлар оиласидан. Ҳаммамиз бир квартирада, москваликлар назари билан қараганда, катта оила бўлиб яшаймиз.

Бундан саккиз ой муқаддам оиламизда катта воқеа юз берди — биринчи неварали бўлдик.

— Оилангизга кўп вақт ажратасизми?

— Менинг иш куним соат етти яримда бошланиб, оқшомги ўн бирда тугайди. Дам олиш кунлари йўқ. Шундай экан, оилам билан фақат отпуска кунлари бирга бўла оламан.

— Бундай зўр бериб ишлаш ҳаддан ташқари соғломликни талаб қилади.

— Саломатлигимдан нолимайман. Характерим ва қайсарлигим туфайли ўзимни тутиб турибман. Доим меҳнатга яроқли бўлиш учун, ўзимга ҳамиша эътиборлиман — тонгда албатта бадан-тарбия билан шуғулланаман.

Бир маслаҳат беришим мумкин — одамларга яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, ўз кайфиятингиз ва руҳий тетиклигингизни туширмасликка интилинг. Шахсан мен оғир дақиқаларда руҳий тушкунликка тушмасликка ҳаракат қиламан.

— Ўз тақдирингиздан розимисиз?

— Умуман олганда, ҳа. Аммо, ҳаётимни янгидан бошлаш имкони бўлганда, балки партиявий ва ҳуқуқшунослик фаолиятимни чоғиштирмаган бўлардим.

— Сиз аввал ҳам Олий Совет депутати бўлганмисиз?

— Бутун умрим амалий фаолиятда ўтди. Янги тайинланган КПСС Марказий Комитети бўлим мудирлари орасида фақат менгина муқаддам на РСФСР Олий Советига, на СССР Олий Советига сайланмаган бўлсам керак.

— Александр Сергеевич, очғинни айтганда, Олмалиқ шаҳри норасмий уюшмалари зўр бериб Сизга қарши тарғибот ишлари олиб бормоқдалар. Уларнинг асосий далили — Сизнинг бу ерлик эмас, Москванинг, КПСС Марказий Комитетининг вакили эканлигидир. Шу муносабат билан, Сиз сайловчиларга нималар дея оласиз?

— Менинг 602-Бўка территориал сайлов округи бўйича сайланишга рози бўлишимнинг боиси СССР халқ депутати фахрий лавозимини эгаллашни ҳаддан зиёд истаганим эмас. Шунчаки, халқ депутати қилиб сайлансам, КПСС Марказий Комитети ҳамда Тошкент области, унинг партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орасидаги амалий алоқалар янада мустаҳкамроқ бўлишига ишончим комил.

Мени, шунингдек, Узбекистон муаммоларига нисбатан пайдо бўлаётган носоғлом кайфиятлар ҳам ташвишлантираяпти. Улар чиндан ҳам долзарб, аммо уларнинг ҳал қилиниши эҳтиёткорона, ҳар томонлама ўйланган, ҳуқуқий асосланган ёндашувни тақозо этади. Мамлакат миқёсида регионал масалаларни Узбекистонни яхши билган, у ерда кўп бўладиган, республикадаги вазиятни аниқроқ тасаввур эта оладиган одамлар иштирокида ҳал этиш лозим.

Мана шу мулоҳазаларга таянган ҳолда мен 602-Бўка территориал сайлов округи бўйича сайланишга розилик бердим.

— Мазкур округ бўйича Сизнинг номзодингиз ягона бўлиб қолганлигини қандай изоҳлайсиз?

— Ишонинг, бунга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ, мен СССР халқ депутати ўрнига даъвогар бўлган ҳар қандай бошқа номзод билан сайловолди курашида ўз позициямни ҳимоя қилишга тайёр эдим.

— Тошкент областида бўлганингизда Сизнинг сайловчиларингизни ташвишлантираётган муаммоларни англаб ета олдингизми?

— Афтидан, мени халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишган регионда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш жиддий муаммо бўлиб турибди. Меҳнатга яроқли аҳолининг улкан резерви мавжуд бўлган ҳолда, уни жалб қиладиган жой йўқ. Айниқса, аёлларни. Бу шаҳарга ҳам, қишлоққа ҳам тегишли. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш суст ривожланаяпти, натижада магазинларда сотиб олинадиган нарсаларнинг ўзи йўқ, озиқ-овқат етишмайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ ВАКИЛИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

(Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми озиқ-овқат муаммоси билан бир қаторда аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳам биринчи ўринга қўйди. Шу аср охиригача ҳар бир оила квартира ёки алоҳида уй билан таъминланиши керак. Бу муаммо турли йўллар билан ҳал этиляпти — давлат ҳам қураяпти, меҳнаткашларнинг ўзлари қурмоқдалар, кооперативлар ҳам қурилиш билан шуғулланишяпти. Биз марказий базани мустаҳкамлаб ва маҳаллий қурилиш базасини ташкил этиб, энг илғор уйсозлик методларини қўллаб областимиздаги уй-жой муаммосини яқин йиллар ичида ҳал этишимиз лозим. Бироқ шу билан бирга шаҳарликларни боғ-томорқа участкаси, қишлоқларни шахсий ёрдамчи хўжалиги билан тўла таъминлашимиз ҳам зарур. Озиқ-овқат ва уй-жой муаммолари ҳам, шаҳар билан қишлоқнинг ўзаро ёрдами ҳам шу ерда уйғунлашади, муҳим социал ахлоқий ва тарбиявий вазифалар комплекс ҳал этилади.

Тўғри, қурилиш материаллари тайёрлашни, маҳаллий ресурсларни, фонд ва маблағларни кооперативлашни жадаллаштириш ҳақида бош қотиришимизга тўғри келади. Ишлаб чиқариш кооперациясига катта умид боғланмоқда. Колхоз ва совхозларда у қадар катта бўлмаган ғишт заводлари, эшик-дераза ромлари тайёрлайдиган цехлар қуриш, районлараро қурилиш ташкилотларини тузиш мумкин. Уй-жой муаммосини ҳал этишда хўжалик ҳисоби ва ҳашар каби синовдан ўтган формаларни ишга солиш лозим.

Ўн минглаб кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд эмаслигини, аҳолининг мунтазам тез ўсиб бораётганлигини, область меҳнаткашларини маиший хизмат, савдо ва медицина хизмати билан таъминлаш масалаларининг ўткирлигини ҳисобга олган ҳолда биз болалар боғчалари, мактаб, медицина муассасаларини кенгайтириш муаммоларини тубдан ҳал этишимиз, йўлларни тартибга келтиришимиз, коммунал-маиший хизматни яхшилашимиз лозим.

Ҳаммамизга маълумки, яқин ўтмишда аҳоли зич жойлашган районларда йирик саноат корхоналарини халқ билан маслаҳатлашмай қуравердилар, пахта монокультурасига йўл қўйиб берилиши натижасида минглаб гектар ерларни ишдан чиқардилар, шўр бостириб юбордилар. Ялпи ҳосил кетидан қувиб, ҳаддан ташқари кўп минерал ўғитлар ишлатилди, натижада ҳаво ва сув ҳавзалари ифлосланди. Эндиликда табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тузилган, экология масалалари матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда, ишчи коллективларида ошкора ва демократик тарзда муҳокама этилмоқда. Шунинг шарофати билан Бўстонлиқ районида (Чорвоқ зонаси) маҳаллий шароитга мос тушмайдиган янги завод қурилишини тўхтатишга эришилди. Ўйлайманки, Сирдарё зонаси, Чирчиқ дарёси ҳавзалари, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Янгийўлнинг ҳавоси ва табиати, шунингдек бошқа қатор шаҳар ва регионларнинг ҳозирги шароити бундан буён ҳам муҳофаза қилиш ва ривожлантиришга қаратилган изланишларни ва оқилона тузилган программаларни кутмоқда. Биз она еримизни боғ-роғларга буркашимиз, дарё ва ҳавони соф, беғубор бўлишига эришишимиз керак.

Молларнинг танқислиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, чайқовчилик ва ўғрилик, маҳаллийчилик ва айрим раҳбарларнинг хизмат лавозимларини суиистеъмол қилишлари каби иллатларнинг қайта қуришга тўғаноқ бўлаётганлиги ҳаммамизни ташвишлантирмоқда. Жойлардаги кооперативлар ва якка тартибда ишлаётганлар фаолиятида йирик нуқсонлар борлиги, айрим тутуруқсиз маҳаллий совет вакилларининг улар билан муросасозлик қилаётганликлари хусусида сигналлар бор. Бундай ярамас иллатларга қарши ҳамма йўналишларда кураш олиб борилмоқда. Чунончи, чайқовчиликни, мол ва маҳсулотларни яшириб сотиш, совет савдоси қоидаларини бузишни бутунлай тугатишга қаратилган чоралар комплекси ишлаб чиқилмоқда.

Советлар ҳокимияти революцион курашлар давомида меҳнаткашларнинг ўзлари билан бирга вужудга келган органдир. Биз бу органнинг ҳақиқий ҳокимлигини қайта тиклашимиз керак. Акс ҳолда депутатлар ҳозиргидек, ҳар доим жойларга бориб, уни-буни сўраб, ялиниб-ёлвориб, ҳатто тиланчилик қилиб юраверадилар. Депутатларни халқ сайлайди, улар халқ манфаатларига мос сиёсатни юргизишлари керак.

Бундан ташқари Советлар иқтисодий жиҳатдан ҳам мустақил бўлишлари керак. Ана шунда Советлар сиёсий соҳада ҳам реал кучга эга бўлиб, бор ресурсларга таяниб, маҳаллий, регионал ва республика аҳамиятига молик муаммоларни ҳал эта оладилар.

Советлар фаолиятида энг муҳим нарса шуки, ҳамма ерда социал адолат тикланишига эришиш зарур. Бизда ҳафа қилинган ва ҳақоратланганлар, унутилган кишилар бўлмаслиги керак. Биронта партия ёки совет аппаратининг кишилар манфаатлари, талаб ва истакларини четлаб ўтишга ҳаққи йўқ. Чунки, партия сиёсатининг бош объекти ҳам, бош мақсади ҳам инсондир. Қайта қуриш ва ошкоралик оммани актив ижтимоий ва сиёсий фаолиятга ундади. Бу кучдан тўла фойдаланиш шу куннинг вазифасидир.

Суҳбатимиз бошида партия программаси — менинг программам, деган эдим. Бироқ мен бу программани областимиз олдида турган конкрет вазифалар билан боғлаб шакллантирмоқдаман. Чунки, бизнинг областимиз ҳам республика, ҳам мамлакатнинг халқ хўжалиги комплексида энг муҳим регионлардан бири ҳисобланади. Тошкент областининг қайта қуришга қай даражада ҳисса қўшишига кўп нарса боғлиқдир.

Жойларга бориб аҳвол билан танишганимда, оқсоқоллар, ёшлар вакиллари, зиёлилар, ишчи ва колхозчилар билан суҳбатлашганимда областимиз меҳнаткашларининг партиямиз билан бирга олға боришга, унинг режаларини амалга оширишни таъминлашга қатъий бел боғлаганликларини ҳис этаман. Бу менга куч-ғайрат бахш этади, шу билан бирга ўзимга топширилган участкада янада самаралироқ ишлашга ундайди.

ДОИМИЙ МУЛОҚОТДА БЎЛАМИЗ

(Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи Олмалиқ ишлаб чиқариш бирлашмасини яқин йилларда қайта реконструкция қилиш ва кенгайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган олмалиқлик сайловчиларимга кўмак беришга тайёрман.

Республика маҳаллий саноат министри У. К. Исмоилов Олмалиқ тикувчилик фабрикасини техник қайта жиҳозлашга ёрдамлашиш ҳақидаги менинг илтимосимни эътиборсиз қолдирмаганини билиб жуда хурсанд бўлдим.

Шаҳар партия комитетининг Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда болалар учун тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонани бунёд этиш ҳақидаги ташаббуси ҳам Олмалиқ ва унинг атрофидаги районлар хотин-қизларини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш ишига ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлайман.

Пискент, Бўка, Бекобод районлари қишлоқларидаги социал соҳаларнинг қониқарсиз ривожланиши ҳақида ҳам гапирмай иложим йўқ. Уларда болалар боғчалари етишмайди, мактаблар мослашган биноларда жойлашган, маиший хизмат ривожланмаган, газлаштириш масалалари сусткашлик билан ҳал қилинмоқда.

Бу муаммолар энг юқори даражада, ҳатто СССР Олий Совети даражасида ҳал қилинмоғи лозим.

Статистиканинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон қишлоқларида киши бошига гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни энг кам истеъмол қилинади. Бу муаммо эмасми?

— Унинг ҳал қилиниши учун Сиз қандай йўлни тавсия этган бўлардингиз?

— Кечагина ўз ишини якунлаган КПСС Марказий Комитети Озиқ-овқат программасини реализация қилиш йўлларини белгилаб берди. Пленум қишлоқда ижара муносабатларини кенг татбиқ қилиш йўлини маъқуллади. Мен Тошкент областида бунга алоҳида эътибор берилмоғи, деҳқонларга ер дадилроқ топширилмоғи керак деб ҳисоблайман. Инсон ўзини ернинг хўжайини деб ҳис қилмоғи лозим.

Ижара, ишончим комилки, ниҳоят, пахта ҳосилдорлигининг оширилиши ҳисобига, чигит экиладиган майдонларни қисқартириш имконини беради. Бўшаган ерлардан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва чорва учун озуқа базасини кенгайтириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг март (1989 йил) Пленумида таъкидланганидек, Ўзбекистон пахта етиштириш ихтисосини сақлаб қолаверади, аммо бу пахта монокультураси деган гап эмас.

Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларига бой тўқимачилик саноатини тезкор ривожлантириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайман. Пленумда республикани иқтисодий рағбатлантириш учун бугун пахта толасини қайта ишлаётган корхоналар оборот солиғининг бир қисмидан фойдаланишни таклиф қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р. Н. Нишоновнинг чиқиши ҳам диққатга сазовор.

Пахта, жун, каноп харид қилиш нархларини қайта кўриб чиқиш пайти келганлигига ҳам қўшиламан. Бундай қадам деҳқонларни мазкур меҳнати оғир маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришга қизиқтириш имконини беради.

Кўриб турибсизки, қишлоқ муаммоларини ҳал қилиш йўллари оз эмас.

— Сўзларингизга мувофиқ, улардан бири — колхоз ва совхозларда ижара муносабатларини жорий этиш. Сиз, халқ депутатлигига номзод сифатида, ушбу ғоянинг Тошкент областида амалга оширилишини тезлаштира оласизми?

— Бу ўринда юқоридан кўрсатма бериш билан иш битмайди. Ташаббус қуйидан бўлмоғи лозим. Тажриба шуни кўрсатаяптики, «елкага ниқтаб туриш», ҳар қандай эзгу ишни бадном қилади.

Хўжаликлар ва ижарачилар ўртасида имзоланган битимларда пландан ошиқча маҳсулотни ижарачи ихтиёрига қолдириш келишиб олинган бўлиши жуда муҳим. Афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлмаяпти. Мана шу масалада қишлоқ меҳнаткашлари ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича чинакам ёрдам беришга тайёрман.

Айтгандай, олмалиқликлар битимнинг бу шарти манфаатларини бошқаларга нисбатан яхшироқ биладилар. Сизнинг ижара корхоналарингиз — гўшт комбинати, сут заводи ва пиво заводида ишлаб чиқарилаётган пландан ошиқча маҳсулотлар шаҳарда қолдирилаяпти. Бу салкам 1 миллион сўмлик юзлаб тонна гўшт, сут маҳсулотлари, минглаб декалитр ичимликлар деган гап.

— Олмалиқнинг асосий муаммоси — экология масаласига Сизнинг муносабатингиз қандай?

— Мени халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатган В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинати меҳнаткашлари билан сайловолди учрашувида ваъда берганимдек, қурилаётган КФП-2 комплекси ва сульфат кислотаси ишлаб чиқаришнинг учинчи навбати учун жиҳозларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлашда қўлимдан келганча ёрдамлашишга ҳаракат қиламан. Очиғини айтганда, бу жиддий муаммо экан, масала ҳозир ҳал қилинаяпти, уни шахсан назорат қилиб турибман.

— Александр Сергеевич, «Правда» газетаси, Сиз КПСС Марказий Комитетининг миллий масала бўйича Пленумига ҳозирлик кўриш комиссияси аъзоси эканлигингизни хабар қилган эди. Комиссия иши қанчалик самарали бормоқда?

— Пленумни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилингач, Сиёсий бюро ва КПСС Марказий Комитети аъзоларидан иборат комиссия унинг материалларини ҳозирлашга киришди. Биз бир олам мактублар, телеграммалар, газетадаги чиқишлар, олимлар тавсияларини таҳлил қилиб чиқдик. Ҳозир доклад концепциясини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилаяпти. Пленумга икки ой қолганда мазкур доклад Тезислари марказий матбуот орқали умумхалқ муҳокамасига тақдим этилади.

Ушбу масала кўриб чиқилишининг иқтисодий аспектлари матбуотда эълон қилиб бўлинди. Ҳуқуқий аспектлар борасида ҳам аниқ позициялар бор, улар ҳам докладдан ўрин олади.

Пленумдан олдин бир қатор регионал кенгашлар бўлиб ўтади. Аммо, бу ҳозирча фақат тил, гражданлик, барча миллатлар, элатлар ва кўчирилган халқларнинг тенгҳуқуқлигини таъминлаш масалалари бўйича ғоялар алмашинуви эканлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Миллий муаммолар юзасидан ҳал қилувчи қарорни шу йил июлда ўтказилиши мўлжалланган КПСС Марказий Комитети Пленуми қабул қилади.

Муаммолар ўта жиддий. Улар немислар, қрим татарлар, месхетияликлар, уйғурларга тегишли... Комиссия жуда зўр бериб ишламоқда.

— Александр Сергеевич, сайловолди программангизнинг сиёсий платформаси ҳақида бир неча сўз айтсангиз.

— У партиямиз Марказий Комитети фаолиятидан келиб чиқади. Авваламбор, мени СССР халқ депутатлигига сайлашадими ёки йўқми, бундан қатъий назар, мамлакатда қонунчиликнинг таъминланиши, миллатлар, элатлар ва гражданларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши учун курашаман. Мен қайсидир бир халқ камситилишининг ҳар қандай кўринишига қаршиман. 119-Бўка миллий территориал округи бўйича СССР халқ депутатлигига номзод, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бригадири В. К. Голяченко ҳам мен билан ҳамфикр эканлигидан жуда хурсандман.

Ҳар кимдан—қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша деган социализм принципларини чинакам рўёбга чиқаришни ўз бурчим деб биламан! Бу борада бараварлаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас!

— Олмалиқлик сайловчиларни яна бир савол қизиқтиради: Сиз улар билан қандай муддатларда учрашиб турасиз?

— Бу саволга сайловчилар билан бўлган учрашувда жавоб бергандим. Яна қайтаришим мумкин. Камида ҳар ярим йилда бир марта сайловчиларим билан Олмалиқда, Бекободда, Пискент, Бўка, Бекобод районларида учрашиб, муаммоларни муҳокама қиламиз, қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бераман. Бундан ташқари пайдо бўлган масалалар билан доимо шуғулланаман, сайловчиларни қабул қиламан, наказларни, таклифларни бажараман.

Бўлимимиз барча ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан сиёсий қарорлар ҳозирлайди. Одатда, қарор қабул қилинишидан олдин, биз аҳоли ўртасида у ёки бу лойиҳани муҳокама қиламиз. Шу маънода Бўка сайлов округи менда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда ёнма-ён истиқомат қилаётган шаҳарликлар ва қишлоқ аҳли манфаатлари чамбарчас уйғунлашиб кетган. Ҳар қандай масала юзасидан бундай регионнинг жамоатчилик фикри бутун мамлакат учун қизиқарлидир. Сайловчиларим яшаётган ерларда кўпроқ бўлиш учун ана шу далилдан ҳам фойдаланишга ҳаракат қиламан. Жамоатчилик фикрини билиш менга мазкур регион ҳаётининг барча томонларини чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

— Александр Сергеевич, интервью учун катта раҳмат, ҳайр.

— Ҳайр. Газета орқали сайловчиларимга уларнинг ишларида, шахсий ҳаётларида энг эзгу тилакларимни етказишингизни сўрайман. Барча қишлоқ меҳнаткашларини кириб келаётган баҳор байрами — Наврўз билан муборакбод этаман. Уларнинг бу йилги ҳосиллари рекорд даражасида бўлишига тилакдошман. Умид қиламанки, 602-Бўка сайлов округи сайловчилари менга ишонч билдирадилар...

Ақлли машиналар билимга ўргатади

Мактабнинг компьютерлар кабинетида қизиқ воқеа бўлди. Ўқитувчилардан бир группаси ўз ихтисослиги бўлмаган соҳадан билимларини шунчаки синаб кўриш мақсадида аппаратлар олдига келишди. Ўшанда машиналарга география фани бўйича программа жойлаштирилган бўлиб, билимларини «имтиҳон» қилмоқчи бўлганлар математик, адабиётчи, биологлар эди. «Географиядан ўқиганларимиз хотирамиздан кўтарилиб кетганига ишонч ҳосил қилсак-да, машинани бир кўрикдан ўтказмоқчи бўлдик», дейишди улар. Педагоглар орасида мен ҳам бор эдим. Компьютерлар бўйича мутахассис-ўқитувчи, ҳамкасбимиз Пўлат Собиров ёрдамида клавишларни босдик. Экранда 11 та савол ҳамда ҳар бир саволга учтадан жавоб пайдо бўлди. Биз бу жавоблар орасидан тўғрисини танлаб беришимиз керак эди. Ҳамма саволларга жавоб қайтариб бўлганимиздан кейин машинада «уят» (позор) деган ёзув пайдо бўлди. Бир-биримизга қараб кулаётган бўлсак-да, ақлли машина «дакки»сидан ўзимизни қаерга қўйишни билмасдик.

— Домлажонлар, хафа бўлманглар, бу сизларнинг соҳанглар эмас, мана ҳозир география ўқитувчисини чақирамиз. Кўз олдингизда ўзгариш бўлади-қўяди, деди П. Собиров.

Шу заҳотиёқ Болгарияда тайёрланган, ҳозиргина бизни «элак»дан ўтказган «Правец-8А» олдига география ўқитувчиси, мактаб илмий бўлим мудири Сайфулла Маҳкамов келди. У программа саволларига клавишларни босиб жавоб берди. Экранда «қойил, раҳмат» деган ёзувни кўрдик. Кабинетдаги машиналар чиндан ҳам ақллилигига шубҳа қолмади. Биз бироз хижолатда эдик. Мутахассис ўқитувчи мийиғида кулиб, ана энди математикни ҳам, адабиёт ўқитувчисини ҳам ўз соҳаси бўйича синаймиз, дея бошқа машиналар олдига бошлади. Саволлар жуда таниш эди. Жавобимиз шунга яраша бўлди. Баъзан компьютерлар «ўйлаб кўринг», деб маслаҳат берарди. Барибир охирги хулосада «қойил, раҳмат» деган ёзувдан сўнг кабинетдан анча енгил тортиб чиқдик.

Эндиликда ана шу машиналарда 9—10 синф ўқувчилари шуғулланишмоқда. Улар устозлари раҳбарлигида математикадан, физикадан масалалар ечишни кунт билан ўрганмоқдалар.

Талабаларга кабинетдаги 11 та машина сирларини тушунтиришда педагог П. Собировнинг маҳорати катта. У Тошкент Давлат университетида, кейинчалик Новосибирск Давлат университетида билим олишни давом эттирди. Сўнгра бир неча йиллар давомида пойтахтимиздаги дорилфунунда талабаларга математикадан дарс берди. Ҳозир эса пойтахтимизнинг Киров районидаги Энгельс номли 274-мактабда дарс бермоқда. Мактаб мутахассисга ёлчиб қолди. Ўз касбини астойдил севган ўқитувчи компьютерларга болаларни қизиқтира олди. Ҳозир Фотима, Зуҳра Жўраевалар, Даврон Пирмуҳамедов, Дониёр Обидов, Фотима Тоировалар машиналар билан ишлашни анча ўзлаштиришди.

— Компьютер кабинетининг ташкил этилиши, — бизнинг ислоҳот борасидаги дадил қадамимиздир, — дейди мактаб директори Маннон Ортиқов. — Бунинг учун ёрдамини аямаган район халқ таълими бўлимидан чексиз миннатдормиз.

Эркин ЖАМОЛОВ, мактаб математика ўқитувчиси.

* * *

СУРАТДА: педагог Пўлат Собиров ўқувчилар билан машғулот пайтида.

Автор фотоси.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

● «ҒУНЧА» тикувчилик фабрикасининг Паркент филиалида мактабгача ёшдаги кичкинтойлар учун мўлжалланган замонавий усулда тикилган костюм-шимлар ишлаб чиқарила бошланди. Умринисо Эрматова бошчилик қилаётган бригадада тикилаётган мазкур маҳсулот харидорлар томонидан севиб харид қилинмоқда. Коллектив аъзолари кунига 325 дона ана шундай костюм-шимларни кичкинтойларга тақдим этмоқдалар.

● ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Областимизнинг хушманзара жойларида ташкил этилган пионер лагерларида бу йилги мавсумда 250 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз ёзги каникулларини ўтказишади. Улардан 58 мингга яқини санаторий типидаги лагерларда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Хўш, 1989 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига қандай ҳозирлик кўрилмоқда? Область касаба союзлари Совети уюштирган давра суҳбати қатнашчилари — касаба союз, комсомол, ходимлари, пионер лагерлари бошлиқлари, хизмат соҳаси вакиллари шу хусусда фикрлашдилар.

Область касаба союзлари Совети секретари О. З. Зуфаров кириш сўзида ўтган йилги мавсум якунларини таҳлил қилиб, давра суҳбати қатнашчилари эътиборини бу йилги вазифаларга қаратди. Сир эмас, ҳали ҳам кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари, касаба союз комитетлари пионер лагерларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамон эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Кўп жойларда клублар ишламайди, спорт майдончалари зарур инвентарлар билан жиҳозланмайди, кутубхоналар китобларга камбағал бўлади. Лагерларда санитария-гигиена талабларига ҳам кўп ҳолларда риоя этилмайди. Ошхоналар технологик ускуналар ва холодильниклар билан етарлича жиҳозланмайди. Бундай камчиликлар учун биргина Бўстонлиқ районидаги пионер лагерларида ўтган йили 146 киши ўз вазифасидан четлаштирилди, раҳбарларга жарималар солинди.

Афсуски, жойларда ўтган йил сабоқларидан етарлича хулоса чиқариб олинмаяпти. «Конструктор», «Мир», «Искра», «Старт» каби йирик пионер лагерлари капитал ремонтга муҳтож. Бир қатор корхоналар эса янги пионер лагерлари очиш устида қайғурмаяптилар. Ваҳоланки ишчилар сони 1500 дан ортиқ бўлган корхона ва ташкилотлар пионер лагерлари очиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳуқуқдан Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси, Чирчиқдаги «Ғунча» тикув фабрикаси, Тошкентдаги «Шарқ гули» бирлашмаси, Тошкент бош универсал магазини каби корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари фойдаланмаяптилар. Мавжуд пионер лагерлари эса спорт ва маданий жиҳозлар билан етарлича таъминланмаяпти.

— Оддий стол тенниси учун ракеткалар ҳам йўқ, — деди Бўстонлиқ районидаги Сойлиқ қишлоғида жойлашган «СССР 50 йиллиги» пионер лагери бошлиғи Д. Абдуллаев, — ракеткалар фақат теннис столига қўшиб сотилар экан. Ортиқча стол учун эса бизда маблағ йўқ. Ошхона жиҳозлари хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Идиш-товоқ оламан десангиз қозонни ҳам қўшиб беришади.

Пионер лагерларига юборилаётган спорт инструкторларининг кўплари малакасиз. Лагерлараро мусобақалар уюштириш уларнинг қўлидан келмайди. Бир хил ўйин, бир хил мусобақа болаларнинг жонига тегаяпти. Бунинг устига лагерларда ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси рус тилида бўлади. Маҳаллий миллат вакиллари шу боисдан ҳам бундай тадбирларда актив иштирок этолмайдилар. Тадбирлар болаларнинг қайси миллатга мансублигига қараб ўша тилда ўтказилиши керак. Лагерларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлиб туради. Бириктирилган машиналар гоҳ бузуқ, гоҳ бензинсиз қолади.

Давра суҳбати қатнашчилари қайта қуриш талаблари асосида тарбиявий ишлар мазмунини янада бойитиш зарурлигини уқтирдилар. Пионер ва ўқувчиларнинг каттагина қисми ижтимоий— фойдали меҳнатдан четда қолмоқдалар. Ҳар бир лагерь ўзи учун алоҳида меҳнат объектига эга бўлиши керак. Ўғил-қизлар етилган ҳосилни йиғиштириб олишда, шифобахш гиёҳлар теришда, теварак-атрофни ободонлаштиришда, спорт майдончаларини қуришда иштирок этишлари керак. Афсуски ҳозир кўпгина лагерларнинг боғ ва томорқалари тугатиб юборилган.

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати директорининг ўринбосари Е. И. Фомин ўн уч йилдан бери пионер лагерлари қурилиши ва ремонти билан шуғулланиб келаяпти. У давра суҳбати қатнашчиларига ўз тажрибаларидан сўзлаб берди. Ҳозир комбинат ишчиларининг фарзандлари учун тоғ ёнбағрларида 2 та катта лагерь ташкил қилинган. Шу кунларда корпуслар ремонти жадал бораяпти. Ремонтчилар ҳар бир корпусга ўзига хос мазмун бахш этмоқдалар. Бир корпус деворларида ажойиб эртак қаҳрамонлари гавдаланган бўлса, иккинчисида таниқли ёзувчиларнинг масалларидаги воқеалар ифодаланмоқда. Корпусларни безашда бу ҳам ўзига хос конкурсдир. Ремонт тугагач, конкурс ғолиблари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

— Биз кадрларга муҳтожмиз, — деди Егор Иванович, — педагогика олий ўқув юртларининг юқори курс студентлари имтиҳонларни барвақт топшириб, ишлаб чиқариш практикасини ўташ учун пионер лагерларига келишлари керак. Область комсомол комитети ва республика халқ таълими комитети бу масала билан шуғулланмоғи лозим. Икки-уч смена давомида студентлар бу ерда катта тажриба орттиришлари мумкин.

— Ремонт қилинган корпусларни қабул қилиб олишда электр системасини алоҳида кўздан кечиринг, — маслаҳат берди область касаба союзлари Совети меҳнатни муҳофаза этиш бўлими инспектори Т. Отабеков. — Розеткалар очиқ қолмаганми, патронлар яроқлими, эски симлар янгисига алмаштирилганми — шуларга алоҳида эътибор беринг. Айни пайтда сув ҳавзаларининг атрофи ҳам ўралган бўлиши керак. Дарахтларнинг қуриган шохларини кесиб ташлаган маъқул. Чунки болалар қувлашиб, осилганда синиб кетиши мумкин. Мавсум давомида ҳар бир бола тарбиячи эътиборида бўлмоғи лозим.

Область санитария-эпидемиология станцияси врачи М. Алиева ҳам пионер лагерлари бошлиқлари, касаба союз активларига ўз маслаҳатларини берди. Айни пайтда давра қатнашчилари ҳам шифокорларга бир қатор эътирозлар билдиришди. Ўтган мавсумда «Альпинист», Мичурин номли, «Феруза», «Искра» каби пионер лагерлари малакали медицина ходимлари, дори-дармонлар, даволаш ускуналари билан етарлича таъминланмади. Болалар билан ишлашга ўрганмаган шифокорлар эса қийналиб қолишди. Бунинг устига «тез ёрдам» машиналари ҳам мунтазам ишламади. Таомлар тўйимлилиги вақтида текшириб борилмаганлиги кўпгина эътирозларга сабаб бўлди.

Давра суҳбатида бор гапларнинг ҳаммаси ошкора айтилди. Муҳокама давомида мавсум олди вазифалар яна ҳам аниқ белгилаб олинди, пионер ва ўқувчиларнинг дам олишини намунали ўтказишга кўмаклашувчи тадбирлар белгиланди.

Ёзги мавсумга тайёргарлик «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ҳам диққат марказида бўлади. Бу йил дам олувчилар сони яна ҳам кўпайиши мумкин. Орол денгизи бўйида экологик ҳолат жиддийлашганлиги учун 5 мингдан ортиқ қорақалпоғистонлик пионер ва ўқувчилар ёзги каникулларини областимиз пионер лагерларида ўтказишмоқчи. Зилзиладан зарар кўрган арман оилаларининг фарзандлари ҳам ёз фаслида областимизга ташриф буюришади. Шунинг учун ҳам бу йилги мавсумга ҳар томонлама жиддий тайёргарлик кўриш керак. Мавсум масъулияти ҳар бир корхона, хўжалик раҳбари, касаба союз, комсомол активи, хизмат соҳаси вакилларига даҳлдордир.

Болаларга катталар кўмаги керак

Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

Қишлоғимизда 2 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Ичиш учун тоза сув йўқ. Кўчаларимиз қишда лой бўлса, ёзда чанг. Табиий газни ҳавас қилмасак ҳам бўлади.

Оржоникидзе районидаги Хўжақўрғон қишлоғида яшовчилар номидан
Т. ҚОДИРОВ.

Бир группа меҳнаткашларнинг юқоридаги мазмундаги хатлари Хўжақўрғон қишлоғига бориб совхоз маъмурияти ва хат авторлари иштирокида атрофлича ўрганилди. Мазкур қишлоқдаги сув йўллари реконструкция қилиниши муносабати билан асосий қувурларда сув босими ортиши натижасида ишдан чиққан. Оқибатда аҳолини тоза сув билан таъминлашга айрим вақтларда узилиш содир бўлган. Эндиликда бу камчиликлар бартараф этилиб, аҳоли сув билан бир маромда таъминланмоқда.

1989 йилда бу қишлоқда 11350 метр масофага газ трубалари ўтказиш планга киритилган бўлиб, бу тадбирларга 51 минг сўм маблағ ажратилди. Электр токи билан таъминлаш ишлари ҳам яхшиланди. Область Совети ижроия комитетининг қарори билан қишлоқда 200 ўринли клуб қурилиши 140 ўринли болалар боғчаси учун ер ажратиб берилди. Шу кунларда уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Планга 1500 метр масофага тош-шағал ётқизиш, 1990 йилги планга эса қишлоқдаги барча кўчаларни асфальтлаш ишлари киритилди.

Маҳаллий бюджетдан қишлоқни иқтисодий, социал ривожлантириш ва бошқа ободончилик ишларини амалга ошириш тадбирларини комплекс плани тузиб чиқилди ва унга етарли маблағ ажратилди, — дейилади район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Шералиевнинг юборган жавобида.

ГДРга боради

РОВНО шаҳрида ёш ғишт терувчиларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилди. Унда Ангрен шаҳридаги 4-қишлоқ ҳунар техника билим юртининг талабаси Нурбой Зелбоев иккинчи ўринни эгаллади. Ҳакам ҳайъатининг обрўли аъзолари ўзбекистонлик ёш устанинг ғишт териш сифатини айниқса юксак баҳоладилар. Н. Зелбоев ғишт терувчиларнинг Германия Демократик Республикасида бўлган халқаро конкурсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу йигит билим юрти муаллимлари ҳамда таниқли бинокор Д. Зазулин бригадасида ишлаб чиқариш практикасида бўлганида ана шу ҳунар маҳорат сирларини ўрганган эди.

(ЎзТАГ).

• Факт ва шарҳ

ТОҒ БАҒРИДАГИ АГРОКОМПЛЕКС

ТЯНЬ-ШАНЬ тоғ бағрида янги қудратли агросаноат корхонаси ишга тушди. Учта совхоз, гўшт комбинати, сут заводи, ўрмон хўжалиги, республика кончилари пойтахти — Ангрен шаҳрининг бир неча бозори унинг таркибига киритилди. «Узбекрезинотехника» бирлашмаси, «Ангрен» кўмир разрези, сопол буюмлари комбинати агросаноат комплексини барпо этиш учун кўп маблағ сарфладилар. Тез ривожланиб бораётган шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш комплекснинг асосий вазифасидир.

Бир қанча агросаноат ва қайта ишловчи корхоналарни ягона қўлга бирлаштириш мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу ерда энг аввало, чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга аҳамият берилади. Катта майдонларда картошка етиштирилади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу агросаноат комплекси қисқа муддат ичида шаҳарликларни сабзавот маҳсулотлари ҳамда мевалар билан таъминлашга қодир. Сабзавот маҳсулотлари ҳамда мевалар пай асосида қўшилган корхоналарда ҳам, шаҳар савдо тармоқларида ҳам сотилади.

Тоғолди зонасида жойлашган, ўз яйловлари билан донг таратган «Октябрь», «Ангрен», «Серго» совхозлари ҳам агрокомплекс таркибида иш олиб боришмоқда. Шу сабабли бу ерда соғин сигирларни кўпайтиришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ мухбири).

* * *

Бу хабарни Тошкент область агросаноат бошқармаси раисининг биринчи ўринбосари **А. Воронов** шарҳлайди:

— Агросаноат комплексини тузиш шунчаки мода кетидан қувиш эмас. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Аслини олганда янги корхона шаҳар агросаноат комплекси ҳисобланади. Илгаримизда ҳам совхозларни саноат корхоналарига бериш амалда синаб кўрилган эди. Бунга Олмалиқ кон-металлургия комбинати мисол бўла олади. Бироқ, корхонага берилган хўжалик ҳозир катта зарар келтирмоқда. Нега дейсизми?

Нима десангиз деяверинг, лекин бундай практика натурал хўжаликнинг бунёд этилишига олиб келади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбариятининг бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолари бошидан ошиб ётибди. Айни вақтда комбинатда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи мутахассислар бор, деб ўйлайсизми? Бинобарин, бу йўл боши берк кўчага олиб бориши мумкин.

Агросаноат комплексига келсак, бу бошқа гап. Кучларни жамлаш чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва умуман барча соҳаларни мутаносиб ривожлантириш имконини беради. Агросаноат комплексига маблағ ажратган корхоналар шу маблағлар ҳисобига фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олмайдилар. Таъсис конференциясининг қарорига мувофиқ, комплекс унга қарз берган ташкилотлар билан бир неча йил мобайнида қарзини узишга мажбур. Бу адолатлидир. Чунки, Ангрен шаҳрининг барча корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ўтган, энди улар ҳар бир тийинни ҳисоб-китоб қилишмоқда.

Хўш, агрокомплексдан нималарни кутяпмиз? Уни барпо этишдан мақсадимиз равшандир: республиканинг бошқа районларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олмаймиз, Ангрен аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашга ўтамиз. Албатта, бу унчалик жўн иш эмас. Аммо, Ангрен агросаноат комплексининг тажрибаси уни диққат билан ўрганишни тақозо этмоқда. Эҳтимол, бу ерда аграр хўжаликнинг кичик ва ўрта шаҳарларга мос андозаси ишлаб чиқилар.

УЙ-ЖОЙЛАР—ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА

ЧИРЧИҚДАГИ «Узбекхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўнлаб меҳнаткашлари завод микрорайонида қад кўтарган кўп қаватли уйлардан квартиралар олишди. Машинасозлар ихтиёрига кенг ва ёруғ хоналарн, айвончалари ва ёрдамчи бинолари бўлган икки ва уч хонали квартиралар берилди. Бинонинг биринчи қаватига савдо комплекси жойлашди. Жуда қисқа муддатда қурилган бу уй коллектив хўжалик усули билан бунёд этилган биринчи бинодир.

ОЛМАЛИҚ УЧУН ҚОЗОНХОНА

345-кўчма механизациялашган колонна коллективи иссиқлик электр маркази ҳамда сув қувурлари бўлган кучли қозонхона қура бошлади. Бинокорлар уч йил ичида ўн олти миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштиришлари керак. Янги қозонхона тез ривожланиб бораётган шаҳарнинг иссиқлик ва иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради.

(ЎзТАГ).

Хотира куни олдидан

РЎЙХАТЛАРДА НОМИ БОР

Таҳликали 1942 йилнинг декабри аёзли келди. Улар қишлоқдан беш йигит фронтга отланишди. Ҳали жуда-жуда ёш эдилар. Ёқуб ака ўша пайтда эндигина ўн саккиз ёшга қадам қўйган эди.

— Ўшанда район марказидан 126 киши жўнаб кетдик, — дейди Ёқуб ака. — Бизни Оҳангарон район ижроия комитети раиси Ўткир Зулфиев ва бошқа активлар кузатиб қолдилар. Ҳали оғир ва машаққатли йўл, аёвсиз жанглар, ҳамма-ҳаммаси олдинда эди. Бизни Узоқ Шарққа олиб кетишди, жангларга тайёргарлик кўра бошладик. 1943 йилнинг сентябрида фронтга жўнадик. Мен I Украина фронти 253-дивизиясининг 170-полки составида илк бор жангга кирдим. Биз Житомир, Львов ва бошқа шаҳарларни оғир жанглар билан душмандан озод қила бошладик.

Ёқуб ака Масолиев урушга кирган кунидан бошлаб то ғалабага қадар мардларча жанг қилди. У Кенигсберг шаҳри, Висла дарёсини кечиб ўтиш, Берлин учун бўлган оғир жангларни ҳали-ҳали жуда яхши хотирлайди. Жангларда бир неча бор яраланди, даволаниб яна фронтга қайтди. У ғалабани фашистлар уяси Берлинда кутиб олди. То 1947 йил март ойига қадар Совет Армияси сафида хизмат қилиб, она қишлоғига кўксида III даражали Шуҳрат ордени, « Жасорати учун», Берлинни, Кенигсберг, Прага ва бир қанча шаҳарларни озод қилиш учун олган жанговар медаллари билан кириб келди. Сўнгра узоқ йиллар К. Е. Ворошилов номли совхозда меҳнат қилди, сабзавотчилик бригадасини бошқарди.

Ёқуб ака қўлимга ўқувчиларнинг катак дафтари варақларига ёзилган учта рўйхат берди.

— Уруш бу офат, —дея қўшиб қўйди у ўйчан. — Мана бу рўйхатда бизнинг кичкинагина Қорабалиқ қишлоғимиздан урушга кетиб жанг майдонларида ҳалок бўлганлар, бедарак кетганлар, иккинчиси эса урушдан келиб вафот этганлар, учинчисида ҳозир ҳаёт бўлганларнинг номларини зикр этганман. Қишлоғимизда ўша маҳаллар қирқ чоғли хўжалик истиқомат киларди. Урушга жами 53 киши кетишган, шундан 30 нафари қайтишмади, ҳозир ҳаёт бўлганлари 10 киши.

Ҳа, урушнинг даҳшати, жудолиги кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби эди бу қишлоқда. Рўйхатга разм соламан: коммунистлар Абдулла Сайфутдинов, Қурбон Арслонов, Абдулла Болтаев, Мамат Исмоилов, Раззоқ Алиқулов, Нишонбой Умиров, комсомоллар Усмонали Умбетов, Давлат Турдиқулов, Ғафур Умаров, Эргаш Исмоилов, Мазокир Эшонқулов, Алмат Эгамбердиев, ... партиясизлар Йўлдош Қўйгелов, Умарқул Иброҳимов, Қурбонқул Абдураҳмонов, Эгамназар Қодиров, Абдувоит Эгамназаров, Сафар Қўшов, Қўшбой Ўтабоев, Хидир Қодиров, Қўшмат Холқулов, Рисмат Ҳангелов, Нурмат Ғойназаров, Нишонбой Қўйгелов, Барот Бозоров, Мирусмон Юсупов, Ҳамзаали Менгбоев, Эрназар Бозоров, Абсамад Кўчхов, Мамадали Абдувалиев... Уларга она қишлоғига қайтиб келиш насиб этмади. Улар Ватанимиз озодлиги, бахтсаодатимиз учун курашларда ҳалок бўлдилар. Уларнинг энг каттаси уруш бошланган пайтда 27 ёшда эди, энг кичиги 17 ёш. Энг навқирон ёшда улар, умр баҳори, даври-даврон сурадиган пайтда жангу жадалга йўл олдилар.., Ўз жонларини дунёдаги энг эзгу, шарафли иш учун қурбон қилдилар. Улар хотираси абадийдир.

Мақола сарлавҳасини «Рўйхатларда номи бор» деб қўйдим-у, яна ўйланиб қолдим. Ахир бу рўйхат фақат Ёқуб аканинг қўлидагина бор. Урушга кетиб, қон кечиб, бахтимиз учун курашларда шаҳид кетганларнинг номини аслида билган билади, билмаган йўқ. Менимча, уларнинг номини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ваҳоланки, Телов қишлоқ Совети территориясида Қорабалиқ каби ўнлаб қишлоқлар бор. Улардан юзлаб кишилар жанггоҳларга кетиб қайтиб келмаганлар. Лекин қишлоқ Советининг ҳеч бир қишлоғида уруш қурбонларига ўрнатилган биронта ҳам ёдгорлик йўқ. Нега энди тош ёки мармар лавҳаларда уруш қурбонларининг номларини зикр этиш мумкин эмас. Бу билан нафақат хизмат вазифамизни, балки инсоний бурчимизни ҳам адо этган бўламиз-ку. Телов қишлоқ Совети ижроия комитети, Ворошилов номли совхоз раҳбарлари бу хайрли ишга бош бўлсалар айни муддао бўларди.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ҲАМИША ХАЛҚ ЁДИДА

1941 йилнинг куз фасли. Гитлер Москвани қўлга олиш учун ҳамма куч, бор имкониятни сафарбар қилди. Тула шаҳри бу сафар ҳам душман йўлида енгилмас қалъага айланди. Гитлерчилар қўмондонлиги Тулани ишғол қилмоқчи ва жанубдан пойтахтга кириб бормоқчи бўлган эди. Гудериан қўл остидаги танк дивизияларига қарама-қарши тура оладиган совет қўшинларининг йирик қисмлари йўқ эди. Аммо Тулани ҳимоя қилмоқ учун совет жангчилари билан биргаликда шаҳар ва унинг теварак атрофида яшовчи аҳоли оёққа турди.

Коммунистлар мудофаанинг юраги бўлдилар. Қирқ минг партия аъзосидан 32 минг киши қўлга қурол олиб жанг қилди. Москва учун, Тула учун кўплаб қурбонлар берилди...

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Тақдир тақозоси билан қаҳрамон Тулага бордим. Л. Н. Толстой яшаган Ясная Полянада бўлдим. Буюк ёзувчи номи билан аталган мактаб-интернат талабаларининг Улуғ Ғалаба кунига бағишланган тантанали йиғилишида қатнашдим. Бу ерда немис-фашистлари билан олиб борилган жангларда ўзбекистонлик йигитлар кўрсатган жасоратлари тўғрисидаги илиқ сўзларни эшитиб жуда тўлқинландим.

Мактаб-интернатнинг ороғоҳида ўрнатилган ёдгорликка Тула мудофаасида, унинг муқаддас тупроғига мангу бош қўйган юртдошларим исми ва фамилияларини ўқиб, уларнинг ўлмас жасоратига таъзим қилдим.

Кичик посёлка аҳолиси марҳумлар дафн этилган қабрни эъзозлаб сақлашмоқда. Бу ерга келувчиларнинг қадами узилмайди. Ёдгорлик пойида алвон гуллар доим яшнаб туради. Ёзиб олган номларни сиз газетхонлар эътиборига ҳавола қилар эканман, яқин таниш-билишлари хабардор бўлишади деган умиддаман.

Бозорбоев Ш.
Сулаймонов К.
Сарамбоев А.
Тўлаганов Ж.
Турсунбоев Ш.
Қурмонбоев Р.
Исахонов Т.
Жумабоев Х.

Улар 1941 йил 9—21 ноябрь кунлари дафн этилган.

Акром АЪЗАМОВ,
уруш ветерани, республика миқёсидаги шахсий пенсионер.

НОШИРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Азизхўжа Иброҳимовнинг таржимаи ҳоли ўзининг ҳалол хизмати билан обрў қозонган бошқа ҳамкасбларникига ўхшаш оддий: мактаб, ишлаб чиқариш, олий ўқув юрти. 1955 йилда ўз хизматини ҳозирги «Ўқитувчи» нашриётида корректорликдан бошлаган А. Иброҳимов филолог ихтисослигини эгаллагач, редакторлик лавозимида хизматини давом эттирди. Тез орада у тажрибали Файзулла Эргозиев, Мадамин Иброҳимовларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Унинг пухта таҳрири, фикрларни бир-бири билан узвий боғлашдаги ўзига хос истеъдоди ҳамкасблари орасида обрў-эътиборини мустаҳкамлади. Бир неча йиллар давомида катта муҳаррир бўлиб ишлади. Кейин эса уни бўлим мудирлигига тайинлашди. У химия ва табиий фанлар редакциясини бошқарар экан, бу соҳада рўй бераётган ўзгаришлардан ҳамиша хабардор бўлиб туради. Нашр этилиши керак бўлган китоблар, дарслик ёки қўлланмалар авторларига ана шу нуқтаи-назардан муносабатда бўлади.

— Мен ноширликни нақ қошлик санъатига ўхшатаман, — дейди Азизхўжа ака биз билан бўлган суҳбатда. Наққошнинг чизган яхлит расми чиройли ва мазмунли бўлиши учун у эртадан кечгача изланади, ижод қилади. Ундаги чизмаларнинг бир-бирига боғлиқлиги, ранг-тасвирнинг ўз ўрнида қўлланилиши эътиборни дарҳол ўзига жалб этади. Ноширлик ҳам заргарона касб. Яратилаётган ҳар бир китобнинг ўқимишли чиқиши, айтилаётган фикрнинг аниқ ва лўндалиги, мазмундорлиги нашр этувчининг савиясига боғлиқ.

Азизхўжа ака доимо ана шу талабга амал қилиб ишлайди. Л. Курсанов ва бошқа авторларнинг икки томлик «Ботаника», С. Муҳаммадхонов ҳамда бошқаларнинг «Ўсимликшуносликдан русча-ўзбекча луғат қўлланма»си, Қ. Ҳайдаров ҳамда бир қатор муаллифларнинг «Ўзбекистон ўсимликлари» китоблари ва шунингдек жуда кўплаб дарслик ва методик қўлланмалар А. Иброҳимовнинг пухта таҳririда мухлислар қўлига етиб борган.

Моҳир ношир Азизхўжа ака мактаб дарсликларининг билимдон таржимони ҳамдир. У 6—7 синфлар учун «Зоология», 9—10-синфлар учун «Умумий биология» дарсликларини, А. Хрипкованинг «Гигиена ва саломатлик», М. Манишевнинг 5—6 синфлар учун «Табиатшунослик» каби китобларини таржима қилган.

А. Иброҳимов нашриёт жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У бир неча йиллар мобайнида нашриёт касаба союз комитетининг раиси бўлиб ишлади. Унинг ноширлик соҳасидаги ҳалол меҳнати муносиб тақдирланган. Жонкуяр журналист 1970 йилда «Халқ маорифи аълочиси», 1984 йилда СССР матбуот аълочиси каби нишонлар билан тақдирланди. Ҳамкасблари яқинда уни 60 йиллиги билан қутлашди. Биз ҳам А. Иброҳимовни самимий қутлаб, унга янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Б. АКБАРОВ,
«Ўқитувчи» нашриёти химия ва табиий фанлар редакциясининг редактори.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

ҚОБУЛ, 21 март. (ТАСС). Ўтган куни Афғонистон шарқидаги Жалолобод шаҳрини эгаллаш учун оғир жанглар давом этди. Муросасиз оппозиция бўлинмалари шаҳарга 4 мингтадан кўпроқ ракета, снаряд ва миналар отдилар, оқибатда ўз тирикчилиги билан овора бўлган бир киши ҳалок бўлди, 7 киши жароҳатланди. Жабрдийдалар орасида аёллар ва болалар бор. Хукумат қўшинларидан 2 аскар ўлдирилди, 5 киши яраланди, деб хабар берди БАХТАР агентлиги.

Хукумат қўшинлари артиллериясининг ўти билан учта учириладиган ракета қурилмаси, учта миномёт, иккита орқага тепмайдиган қурол ва битта зенит қурилмаси яксон этилди. Жанговар ҳаракатлар чоғида исёнчилардан 25 киши ўлдирилди ва 45 киши яраланди. Афғонистон республикаси ҳавфсизлик органлари ходимлари 20 экстремистни асирга олдилар.

КАРОЧИ ШАҲРИГА ҚЎШИНЛАР КИРИТИЛДИ

ИСЛОМОБОД, (ТАСС). Шанба куни экстремистларнинг ўқидан ўн беш киши ҳалок бўлганидан кейин Покистондаги энг катта Карочи шаҳрининг марказий ва ғарбий кварталларига Покистон қўшинлари киритилди. Ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишларича, ниқоб кийиб олган бир неча бандит қулай жойни эгаллаб олиб, йўловчиларни, магазин ва дўконларнинг эгаларини автомат қуролдан ўққа тутишди. Хотин-қизлар ва болалар ҳам шу ўқдан қурбон бўлишди. Шаҳарнинг бир қанча районида комендантлик соати амал қилмоқда.

Кейинги ўн куннинг ўзидагина шимоли-ғарбий чегара вилоятидан бўлган пуштунлар билан Ҳиндистондан кўчиб келган муҳожирлар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 29 киши ўлдирилган.

Якшанба куни Карочида бўлган бош министр Беназир Бхутто газандаларнинг тинч аҳолига қарши ҳуружларини «ёвузлик» деб атаб, мамлакат ҳукумати бемаъни қотилликларнинг олдини олиш мақсадида қўшимча чоралар кўради, деди.

ТУРКИЯНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ВАШИНГТОН, 21 март. (ТАСС). Туркия парламентининг раиси Йилдирим Оқбўлат Эрон мажлисининг Туркия ички ишларига аралашаётгани хусусида норозилик билдирди. Эрон парламентининг 150 депутати Туркия конституцион суди Туркия университетларида студент қизлар мусулмонларнинг махсус рўмоли — тюрбан ўрашини тақиқловчи қарор қабул қилганига қарши норозилик билдиргандан кейин бу ҳақда баёнот билан чиқди.

Тюрбан ўраб юришга рухсат берувчи қонун лойиҳаси олдин Туркия парламентида маъқулланган эди, лекин президент К. Эврен бу қонун лойиҳасини тасдиқламади. Бироқ қонун лойиҳаси парламентдан иккинчи марта ўтгандан кейин президент уни конституцион суд кўриб чиқиши учун ҳавола этди, конституцион суд эса парламентнинг тюрбан тўғрисидаги қарорини ғайри қонуний деб тан олди. Шундан кейин Анқарада, Истамбулда ва мамлакатдаги бир қанча бошқа катта шаҳарларда мусулмон экстремистларининг намойишлари бўлди, улар конституцион суд қарорини бекор этишни талаб қилдилар. ЮПИ агентлиги президент маҳкамасига яқин доираларга таяниб хабар қилишича, президент Эврен турк ақидапарастларининг намойишида Эроннинг қўли борлиги сезилиб турибди, деб ҳисобламоқда.

● ФИНЛЯНДИЯНИНГ Эспо шаҳрида ҳозирги замон космик техникаси моделларига бағишланган халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Суратда: кўргазма қатнашчиларига плазма спектрометри намойиш қилинмоқда.

ЛЕХТИКУВА—ТАСС фотоси.

Никарагуа қочоқлари қайтиб келмоқда

МАНАГУА, 21 март. (ТАСС). Қўшни мамлакатлардан минглаб қочоқларнинг ватанга қайтиши билан Никарагуадаги аҳвол секин-аста изга тушмоқда. Ҳозирги пайтда Никарагуа Америка Қўшма Штатларига ёлланган газандалар етказган жароҳатларни даволамоқда. Кейинги уч йил ичида мамлакатга қарийб 35 минг фуқаро, шу жумладан халқаро ҳамжамиятнинг фаол кўмаги натижасида 17,5 минг киши қайтиб келди.

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОР ФОНДИ ТАҚСИМОТИ

ГЎШТ маҳсулотларининг 1989 йилги бозор фонди тақсимотига оид ушбу расмий жадвал область Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети қарорлари билан тасдиқланган. Жадвалда кўпгина таклиф ва мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинди. Чунончи, шаҳарларда яшаётган пенсионерларнинг ҳар бирига бир килограмм ҳисобидан 920 тонна гўшт ажратиш кўзда тутилади. Қишлоқ мактабларини гўшт билан таъминлаш эса 45 процентдан 75 процентга етказилди.

Шунингдек, ишлаётганларга берилдиган бозор фонди ҳам ўзгарди. Бу борада ҳар бир ишлаётган киши ҳисобига гўшт истеъмол қилишни бирмунча тенглаштириб, шаҳардаги ўртача нормага яқинлаштиришга ҳаракат қилинди.

Аҳолининг қолган қисми, яъни даволаш-соғломлаштириш муассасалари, мактаб-интернатлар, спорт интернатлари, болалар уйлари, қариялар уйлари, пионер лагерлари, дам олиш уйлари, санаторийлар, Улуғ Ватан урушин инвалидлари ва қатнашчилари, интернационалчи жангчилар, Иттифоқ ва республика миқёсидаги шахсий пенсионерлар, ҳалок бўлганларнинг оилалари, ёлғиз қариялар, қанд диабетига чалинган беморлар ва умумий овқатланиш корхоналарини бозор фонди билан таъминлаш аввал белгиланган нормада қолади.

Техникумлар, олий ўқув юртлари, ҳунар мактабларига 1989 йил учун ажратилган гўшт маҳсулотлари бозор фонди 1988 йил фондига нисбатан камайтирилган. Чунки, контингент сонининг ва келувчиларнинг камайганлиги ҳисобга олинди.

	Давлат таъминоти муассасалари. Бозор фонди			Уруш инвалидлари ва қатнашчилари, АР инвалидлари, Итт., респ, аҳамиятидаги пенсионерлар, ҳалок бўлганлар оилалари, диабет беморлар, ёлғиз кексалар			Пенсионерлар бозор фонди		Ишлаётганларга бериладиган бозор фонди				Мактаб ошхоналари. Бозор фонди			Ҳунар мактаблари ошхоналари. Бозор фонди			Техникум ва олий ўқув юртлари ошхоналари. Бозор фонди			Корхона ва ташкилотлар ошхоналари. Бозор фонди				Умумий бозор фонди			
											1 ишчига											1 ишчига				1 кишига	
	1988 й.	1989 й.	Таъминот	1988 й.	1989 й.	Таъминот	1989 й.	Норматив таъминот	1988 й.	1989 й.	1988 й.	1989 й.	1988 й.	1989 й.	Норматив таъминот	1988 й.	1989 й.	Норматив таъминот	1988 й.	1989 й.	Норматив таъминот	1988 й.	1989 й.	1988 й.	1989 й.	1988 й.	1989 й.	1988 й.	1989 й.
Область бўйича жами	4311	4338	97,4	1640,4	1670	95,7	1798	—	7374	7276	—	—	2787	3789	83,1	1027	802	100	417	368	64,8	11176	10712	—	—	29694	29875	14,3	14,3
Давлат савдоси	2605	2578	100	645	692	100	920	100	7019	7066	22	22,3	1387	1486	100	537	426	100	347	295	100	10086	9912	30,9	30,4	23560	23375	30	29,5
Шаҳарлар:																													
Чирчиқ	758	800	100	177	212	100	270	100	1228	1256	19,3	19,7	283	279	100	140	94	100	103:6	58	100	2318,4	2250	36,4	35,4	5278	5219	33	32
Ангрен	526,4	441	100	126	131	100	189	100	902,6	911	22,5	22,7	386,7	361	100	91	68	100	126,7	106	100	1097	1200	27,2	29,6	3446	3407	26	26,5
Янгийўл	214,6	193	100	94	88	100	100	100	349,4	390	15,6	17,5	120	133	100	21	13	100	50,2	50	100	943,8	900	36,7	34,6	1893	1867	26,7	26,3
Бекобод	253,6	272	100	70	79	100	106	100	655,4	674	19,6	20,1	232,1	228	100	83,5	98	100	34,4	31	100	910	950	27,2	28,4	2345	2438	29,2	29,9
Оҳангарон (ОРС)	164	191	100	19	26	100	44	100	316,5	326	21,2	21,8	93,1	98	100	47	34	100	14,1	14	100	460,4	450	30,9	30,9	1138,5	1183	32	33,8
Нариманов	89,2	72	100	17	17	100	19	100	173,8	251	10,5	15,7	38,7	39	100	27	18	100	—	—	—	266,3	310	16,1	19	531	726	25,8	32,7
Олмалиқ	380	344	100	142	139	100	192	100	1596	1604,5	26,6	26,7	253	258	100	127,5	78,4	100	—	—	—	2360,5	2238	39,3	37,3	5069	4869,5		40,2
Районлар	1706	1760	94	995,4	978	93	—	—	362,4	210	—	—	1400	2303	75	490	376	100	70	73	26,7	1090	800	—	—	6134	6500	—	—
Оққўрғон	125	118	94	38,2	41	93	—	—	—	—	—	—	82,6	135	75	32,9	26	100	—	—	—	18,3	15	—	—	297	335	—	—
Оҳангарон	6	12	94	40	33	93	—	—	—	—	—	—	57,2	90	75	21,6	20	100	—	—	—	10,2	10	—	—	135	165	—	—
Бекобод	133	120	94	45,1	52	93	—	—	—	—	—	—	81	136	75	40,5	17	100	5	6	25,5	25,1	23	—	—	330	354	—	—
Бўстонлиқ	136,1	143	94	143,4	115	93	—	—	—	—	—	—	132	187	75	48	47	100	—	—	—	19,5	18	—	—	479	510	—	—
Бўка	126,7	110	94	35,5	40	93	—	—	—	—	—	—	81,2	146	75	38	38	100	5	5	29,4	22,8	17	—	—	309	356	—	—
Ғалаба	120,4	132	94	61,6	50	93	—	—	—	—	—	—	97,6	154	75	27	31	100	—	—	—	22,4	30	—	—	329	397	—	—
Калинин	104,9	132	94	78	62	93	—	—	50	25	—	—	98,5	168	75	19	20	100	7,8	8	24,2	44,8	20	—	—	403	445	—	—
Коммунистик	97	104	94	52,4	58	93	—	—	—	—	—	—	115,7	185	75	18	14	100	—	—	—	24,9	20	—	—	308	381	—	—
Оржоникидзе	82,8	115	94	92,1	72	93	—	—	173	110	—	—	112,5	187	75	59	52	100	33,6	42	28,4	550	402	—	—	1103	980	—	—
Паркент	103,4	91	94	52	49	93	—	—	43	27	—	—	69,3	120	75	15	14	100	—	—	—	64,3	40	—	—	341	341	—	—
Пискент	104,7	101	94	46,6	56	93	—	—	—	—	—	—	59,8	109	75	22	14	100	—	—	—	38,9	30	—	—	272	310	—	—
Ўрта Чирчиқ	143,4	152	94	102	119	93	—	—	85	38	—	—	141,6	240	75	34	16	100	—	—	—	88	40	—	—	594	605	—	—
Тошкент	168,9	172	94	57,1	63	93	—	—	—	—	—	—	97,2	172	75	46,5	42	100	5	5	25,2	35,3	30	—	—	410	484	—	—
Чиноз	135,8	143	94	61,6	66	93	—	—	11,4	—	—	—	88,7	154	75	26,5	25	100	9,6	—	—	45,5	35	—	—	379	423	—	—
Янгийўл	117,8	115	94	90	102	93	—	—	—	—	—	—	85,1	120	75	42	—	—	4,1	7	21,8	60	25	—	—	399	369	—	—
РМЖ хўжаликлари							—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—				20	20			20	20	—	—

• ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ АЙЁМИ

Гўлга бўрканган анъана

КУН ва тун вақт тарозисининг палласида баб-баравларлашган айём — Наврўз эшик қоқди. Куз хазонрезлиги ва ёмғирлари, қиш қаҳридан сўнг баҳорнинг қалбларни энтиктирувчи шабодаси, кўзларни яшнатувчи, бутун вужудни ёшартирувчи яшил майсаларни қўмсаш табиий.

Бу йилги навбаҳор эса алоҳида бир интиқлиқ билан кутилди. Гап, қиш тихирлик қилиб, оёқ тираб турib олганидагина эмас. Ошкоралик, адолатпарварлик даврримизга мос руҳда Наврўз байрамини ўлкамизда умумхалқ шодиёнаси тарзида нишонлаш тўғрисида ғоят муҳим, таъбир жоиз бўлса, тарихий қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ушбу қарори билан танишган ҳар бир киши мамнун бўлган бўлиши керак. Биз худди ўзимизни турғунлик даврининг яна бир асовидан халос бўлгандек ҳис қилиб, енгилроқ нафас ола бошладик...

Олиму адибларимиз Наврўз том маънода халқ байрами эканлиги, унинг ислом ақидаларига алоқаси йўқлиги тўғрисида қанчадан-қанча далилу исботлар келтирдилар. Лекин уларнинг ҳаммаси бир кишининг қаҳрли қарори олдида ожизлик қилди. Наврўз кишанланди, бу сўзни матбуотда, телевидение ва радио орқали тилга олиш ман қилинди.

Дарвоқе, бу ҳақда кўп ёзилди ва ёзилмоқда. Афтидан битаётган ярани яна кавлаштириш адолатдан эмасдир. Бироқ, ана шу машъум тақиқни унутиб юборишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Ҳеч бўлмаса янги тақиқловчилар асрлар давомида халқимиз юрагининг тўрида сақлаб келаётган анъаналарига яна раҳна солишларига йўл қўймаслик учун ҳам бунга ҳақкимиз йўқ.

Демак, яна фусункор юртимиз узра Наврўз шодиёналари қанот қоқмоқда. У халқ оҳангларию, қувноқ лапарлари, қизлар мушояраларию аскиячиларнинг ҳазил-мутойибаларини ўзида мужассамлаштирган. У яратиш меҳнати, завқи, боғ-роғлар барпо этиш иштиёқига куч бераяпти. Дошқозонларда етилган сумалак ва ҳалим, яна қанчадан-қанча миллий таомлар ҳам Наврўз шарофатидир.

Ҳозир ҳамма ерда баҳор байрами нишонланмоқда. Уларнинг ҳаммасини таърифлаш осон эмас. Шу боисдан Наврўз айёмида Паркент районига йўл олдик. Бу тасодифий эмасди.

— Жуда юқоридан Наврўзни тақиқлаш, кейин идорада ўтириб ўйлаб топилган сунъий Навбаҳор байрамини нишонлаш тўғрисида кўрсатма олганимизда ҳам биз халқимизнинг қадимий анъаналаридан бирини оёқ-ости қилинишига йўл қўймадик,— дейди Паркент район партия комитетининг секретари Мажлим Акрамов.— Яъни бу буйруқни жойларга етказмай қўя қолдик. Натижада аввалги йилларда ҳам қишлоқларимизда Наврўз сайли авжига чиқди. Паркентнинг табиатини назарда тутсак, унинг қандай нишонланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо донишмандлар айтганидек юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Шунинг учун Наврўз шодиёналарига марҳабо, деймиз.

Мана, «Наврўзи олам билан!», «Наврўз—баҳор ва меҳнат байрами», «Наврўз сайлига хуш келибсиз!» шиорлари билан безатилган Паркент маркази кишилар оқимига тўла. Шаҳар боғида уларни карнай ва сурнай наволари билан қарши олишмоқда. Умумий овқатланиш корхоналари ходимлари ўз маҳоратларини тўла ишга солганлар. Палов дамланган, кабоб сихланган. Халқ таърифида «мотор», деб аталадиган сомса билан ҳам савдо қилиняпти. Бу ерда халқ ҳунармандчилиги кўргазма — савдоси ҳам ташкил этилган.

Боғнинг ҳар бурчагида бадиий ҳаваскорлик коллективлари Наврўзни мадҳ этмоқдалар. Айниқса «Чак-чак», «Лапар», «Ер-ёр», «Дилкушо» фольклор ансамблларининг ижросида халқ лапарлари, айтишувлар, аскиябозлик, шеърхонлик авжига чиққан.

«Иқбол» қизлар конкурсининг финал учрашуви ҳам бошланиб кетди. Унинг қатнашчилари қўшиқ ижро этиш, рақсга тушишда шеърхонлик ва пазандаликда баҳслашишмоқда.

Кўп ўтмай «Тўйлар мубораК!» қўшиғи янграйди. Боқча дугоналари ва жўралари қуршовида келин-куёвлар кириб келишди. Уларга тантанали вазиятда никоҳлари расмийлаштирилганлиги ҳақида ҳужжатлар топширилди. Келин-куёвларнинг отаоналари, меҳнат ветеранлари, йигит ва қизлар янги оила аъзоларига бахт-саодат тиладилар.

Шундан сўнг «Дўстлик клуби»нинг навбатдаги театрлаштирилган томошалари бошланди. Бу гал қрим татар миллати вакиллари ўз халқларининг маданияти, анъаналари, урф-одатларини намойиш этдилар.

Ишқибозлар спорт майдонларини қуршаб олишган. Бу ерда арқон тортиш, тош кўтариш, миллий кураш, варрак учириш бўйича мусобақалар бўлмоқда.

Бу район марказида ўтказилиши мўлжалланган асосий тадбирлардир. Албатта халқнинг ижодкорлиги уни янги бўёқлар билан бойитди. Наврўз Паркентнинг турли қишлоқларида ҳам байрам қилинмоқда.

Биз паркентликларнинг халқимизнинг қадимий анъанасини янада кенг нишонлашга қарор қилинганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Сурайё ҲАЙТМАТОВА, «Ғунча» тиқув ишлаб-чиқариш бирлашмаси Паркент филиали комсомол ташкилотининг секретари:

— Тарихини, маданиятини, анъаналарини билмаган киши ҳақиқий ватанпарвар бўлолмайди. Шунинг учун Наврўз байрами ёшларимизни ўз Ватанлари, юртларига муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиздир. Бу анъананинг тиклениши йигит-қизларимиз томонидан қизғин кутиб олинди.

Муҳайё ТУЙЧИЕВА, фабрика тиқувчиси:

— Икки-уч йил аввал сумалакни фақат кампирлар пиширарди. Буни ҳатто диний маросим, деб ҳам айтишарди. Энди сумалакни пиширишга ёш қизларимизнинг ҳам қизиқишлари ортяпти. Уларга бунинг сирларини ўргатяпмиз. Қадимий одатларимиз ёшларимиз томонидан давом эттирилишига энди шубҳамиз йўқ.

Ортиқбой ЖУРАҚУЛОВ, кекса коммунист, меҳнат ветерани:

— 70 баҳорни қаршилаяпман. Ана шу ёшимда Наврўз кенг байрам қилинаётганлигидан жуда хурсандман. Ҳаммани шу айём билан табриклайман.

Адолат НОСИРОВА.

ЎЙБЕК МУЗЕЙИДА

ХАЛҚИМИЗ бу йилги Наврўзни завқ-шавққа тўлган ҳолда нишонламоқда. Бунга пойтахтимиздаги Ойбек уй-музейида ўтказилган шодиёна ҳам гувоҳлик берди. Мазкур байрам Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Ойбек уй-музейи билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қошидаги «Шуъла» адабий уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилди.

— Бу йил республикамиз меҳнаткашлари Наврўзни яйраб нишонлашяпти, — деди адабиётшунос олим Наим Каримов.— Бунинг боиси бор, албатта. Чунки одамлар чинакам халқ анъанаси бўлган бу ажойиб байрамни соғиниб қолишган эди.

Халқимизнинг севимли адиби Ойбек ўзининг кўпгина насрий ва шеърий асарларида ўлкамизнинг бетакрор табиат гўзалликларини меҳр-муҳаббат билан тасвирлади.

— Олтин ҳеч қачон зангламайди, — деди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Азиз Носиров. — Наврўзимизнинг бошига қандай кунлар тушмасин, аммо у ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Бугун бу қутлуғ байрам Ойбек уй-музейида нишонланаётган экан, атоқли адибнинг хонадони бундан кейин ҳам халқимиз учун қутлуғ даргоҳ, устоз ва шогирдлар учрашадиган табаррук жой бўлиб қолади.

Шундан сўнг сўзга чиққан профессор А. Ҳайитметов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Қ. Муҳаммадий, таржимон К. Қаҳҳорова, файласуф олим И. Жабборов, шоирлардан М. Али, Х. Даврон, С. Саидов, Н. Муҳаммад, техника фанлари доктори А. Пўлатов, санъаткорлардан О. Юнусов, Ҳ. Комилов ва бошқалар Наврўз ва Ойбекнинг ижодий мероси ҳақида сўзладилар. Ижодкорлар ўз шеърларидан намуналар ўқидилар. Шеърлар қўшиқлар ва рақсларга уланди. Меҳмонлар ялпиз, сумалак ва Наврўз дастурхонининг бошқа ноз-неъматларидан баҳраманд бўлдилар.

Р. ҒАНИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
26 МАРТ СОАТ 19.30 ДА
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ олиб боради.

Билетлар соат 14.00 дан бошлаб СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
30, 31 март, 1, 2 апрель соат 20.00 да

«ҲАЗИЛ»

ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўхтамурод АЗИЗОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ, Мирза ХОЛМЕДОВ;

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Рушана СУЛТОНОВА, Зиёда МАДРАҲИМОВА, Элмурод ИСЛОМОВ, Одил КАМОЛХЎЖАЕВ;

Биринчи Бутуниттифоқ «ЯНГИ ОВОЗЛАР» радио конкурсининг лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

XII Жаҳон ёшлар фестивали дипломанти, Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ЛИРИК ХОНАНДА

КОМИЛЖОН ИЎЛДОШЕВ.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР прокати идораси

МАРТ ОЙИДА

Тошкент области шаҳарлари ва районлари экранларига ўзбек тилига таржима қилинган
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ»

Сценарий муллифлари — К. Нижиньский, М. Пестрак, В. Волуцкий.
Режиссёр — М. Пестрак.

Ролларда: К. Кольбергер, Р. Вильгельм, Е. Салацка, З. Лесень, Д. Немчик, Й. Пшеградзкий ва бошқалар.

Бу фантастик саргузашт фильмда бир неча кишининг номаълум ўзга сайёраликлар томонидан Лаоснинг бориш қийин бўлган районларидан бирида қолдириб кетган сирли моддани қўлга киритиш учун уринишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур моддани қўлга киритган одам дунёга чексиз ҳоким бўлиб қоларди.

СССР — ПОЛЬША КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«ОЛД ОЙНА ОСТИДАГИ ШАЙТОНЧА»

Сценарий муаллифи — Осим ЖАЛИЛОВ.
Рожиссёр — Ўктам МИРҚОСИМОВ.
РОЛЛАРДА: Фарҳод МАНАФОВ, Лариса ХАЛАФОВА, Гасан МАМЕДОВ, Расим БАЛАЕВ, Гамлет ХОНИЗОДА ва бошқалар.

Бу фақат оддий детектив фильмгина бўлиб қолмай, балки жиноятчилар ва уларнинг шериклари ахлоқан тубан одамлар эканини, фақат пул уларнинг бирдан бир ҳаётий ғояси бўлганини фош этувчи асардир.

«ОЗАРБАЙЖОНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

СУМАЛАК САЙЛИ

● **ШУ КУНЛАРДА областимизнинг турли шаҳар, район ва қишлоқларида Наврўз байрами муносабати билан халқ сайиллари ўтказилмоқда. Бу шодиёналарда халқимизнинг азалий урф-одатлари — улоқ чопиш, полвонлар беллашуви, қиз қувди мусобақалари ва бошқа оммавий томошалар бўлиб ўтяпти. Мазкур тантаналарда сумалак, ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомлар тайёрланиб, кишиларга улашилмоқда. Профессионал ва ҳаваскорлар ўз санъатларини намойиш этишаяпти. Фольклор ансамбллари халқ лапарлари ва қўшиқлари билан давраларга файз киритаётир. Суратларда: Янгийўл шаҳри, пойтахтимизнинг А. Икромов районидаги А. Тожиев номли маҳалла ва К. Маркс кўчасида ўтказилган Наврўз байрамидан лавҳалар.**

Р. Галиев, В. Дубровский, Д. Аҳмедов фотолари.

ҲАМЗАХОНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЯҚИНДА А. Навоий номли Ўзбек Давлат кутубхонасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечага ҳамзашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артист Теша Мўминов, артистлардан Жамшид Зокиров, Сайёра Юнусова ва Гулчеҳра Иброҳимбекова ташриф буюришди.

Л. Қаюмов Ҳамза яшаган даврдаги мураккаб адабий муҳит, Ҳамзанинг ижодкорлар билан мулоқоти., ҳаёти ва ижоди ҳақида, ҳозирги демократия, қайта қуриш даврида инқилоб куйчисининг бой ижодий меросини ўрганиш бўйича талай ишлар қилинаётганини сўзлаб берди.

Кечани олиб борган шоир Раим Фарҳодий устоз Ҳамзанинг ёш шоир ва ёзувчилар ижодий камолотидаги роли ҳақида гапирди. Сўнгра Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг артистлари «Бой ила хизматчи» драмасидан парчалар кўрсатдилар.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

●

РЕСПУБЛИКА ёш физик, математик ва химиклар мактаб-интернатида ҳамзахонлик кечаси ўтказилди. Кечада шоирнинг шеърлари, янгради, драматик асарларидан парчалар намойиш этилди.

Адабиёт ўқитувчиси Н. Шамсутдинова Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирди. Ҳозирги кунда унинг асарлари севиб ўқилаётганини, бошқа тилларга таржима қилинаётганлигига тўхталиб ўтди. Кейин интернатнинг актив ўқувчилари Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг театр саҳнасидаги фаолияти хусусида гапирдилар. Шоирнинг «Ўзбек хотин-қизларига», «Ишчилар, уйғон», «Яша, Шўро!» сингари шеърларини ифодали ўқиб бердилар.

Мактаб-интернатда бу санага атаб махсус чиқарилган «Навбаҳор», «Галактика», «Байрамингиз муборак», «Она гулдастаси» ҳамда «Ёш қаламкаш» деворий газеталари жюри ҳайъати томонидан баҳоланди.

Кеча мактаб-интернатнинг «Дурдона» дуторчи қизлар ансамбли тайёрлаган катта концерт программаси билан ниҳоясига етди.

С. САЛИМОВ.

●

Пойтахтимиздаги 57-ҳунартехника билим юртида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг 100 йиллиги ва Наврўз байрамига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечада шоирлардан С. Барноев, И. Маҳмуд, Н. Рашидова ва С. Вафо Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди, унинг янги топилган асарлари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб беришди.

— Билим юртимизда 800 нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Улар республикамизнинг турли жойларидан келиб, радио электротехника сирларини ўрганмоқдалар. Шу билан бирга талабалар адабиётни севишади. Уларга бу борада адабиёт ва ўзбек тили ўқитувчиси Э. Расулова яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди билим юртининг ўқитувчиси Ш. Иноятов.

Кечада Ҳамзанинг инқилобий шеърлари янгради. «Бой ила хизматчи» драмасидан парчалар кўрсатилди. Шоирлар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Ҳ. ЮНУСОВ.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни бугун — 23 март пайшанба куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, область адлия бошқармасининг бошлиғи Ё. С. Бозорбоев қабул қилади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 742-хона, 7-қаватга жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Муҳаррир ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарвар лик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 09647. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 1569. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12